



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 5 » iyul

№ 360

Toshkent sh.

Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш, суғоришнинг янги технологияларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 25 мартдаги ПҚ–179-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш, суғоришнинг янги технологияларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 25 мартдаги ПҚ–179-сон қарорининг 2-бандига мувофиқ 2022-2023 йилларда синов тариқасида:

тупроқ унумдорлиги ва пахта ҳосилдорлигини ошириш, илмий асосланган алмашлаб экишни ва суғоришнинг янги технологияларини жорий этиш ҳамда ўсимликлар ҳимояси бўйича хизматларни йўлга қўйиш ва замонавий лабораторияларни ташкил этиш, шунингдек, деҳқончилик соҳасидаги янгиликлар ва илғор тажрибалар бўйича фермерларни ўқитиш учун ердан фойдаланувчиларга (жумладан, кластерларга) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар бир гектар майдонга бир миллион сўмдан субсидия ажратилиши;

пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни оширганлик учун солиқ имтиёзлари тупроқ бонитировкаси таҳлили натижалари бўйича тупроқ унумдорлиги ошган ердан фойдаланувчиларга татбиқ этилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:**

пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун субсидия ажратиш шартлари;

пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун субсидия олиш хоҳишини билдирган ердан фойдаланувчиларнинг аризаларига асосан рўйхатни шакллантириш тартиби;

илмий асосланган комплекс агротехник тадбирларни амалга ошириш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби;

пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун субсидия ажратишда талаб этиладиган ҳужжатлар, уларни кўриб чиқиш ҳамда субсидия ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби;

субсидия ажратишни рад этиш асослари ва субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги қарор бўйича шикоят қилиш тартиби;

ажратилган субсидиядан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш тартиби;

тупроқ унумдорлигини оширганлик учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби.

3. Синов тариқасида субсидия ажратиладиган туманларнинг пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар “йўл харита”лари 2–14-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ердан фойдаланувчилар билан биргаликда пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар “йўл харита”ларида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига шахсан масъул ҳисобланади.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “ 5 ” июлдаги 360-сон қарорига
1-илова

**Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни
ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун субсидия
ажратиш тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Вақтинчалик низом пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари (кейинги ўринларда – Давлат бюджети) ҳисобидан пахта хомашёсини етиштирадиган ердан фойдаланувчиларга, жумладан, кластерларга (кейинги ўринларда – ердан фойдаланувчилар) ҳар бир гектар майдонга бир миллион сўм миқдорида субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

Ушбу Вақтинчалик низом 2024 йил 1 январга қадар амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш, суғоришнинг янги технологияларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 25 мартдаги ПҚ–179-сон қарорига мувофиқ 2022-2023 йилларда пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун субсидия ажратиш тажрибаси ўтказиладиган ҳудудлар рўйхатига киритилган туманлардаги қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчи юридик шахсларга, жумладан, кластерларга субсидия ажратилади.

2. Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия миқдори тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар амалга ошириладиган пахта майдонлари бўйича ҳисобланади.

3. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун субсидия ажратиш тартиби ушбу Вақтинчалик низомга иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

**2-боб. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни
ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун субсидия ажратиладиган
ердан фойдаланувчилар рўйхатини шакллантириш**

4. Ердан фойдаланувчилар пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун субсидия ажратиладиган ердан фойдаланувчиларнинг рўйхати (кейинги ўринларда – рўйхат) кириш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тегишли ҳудудий бўлинмасига (кейинги ўринларда – ишчи орган) вазирлик ҳузуридаги

“Агросаноатни рақамлаштириш маркази” давлат муассасасининг “Агросубсидия” ахборот тизими (кейинги ўринларда – “Агросубсидия” АТ) орқали 2022 йил 25 июлга қадар ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси;

ер участкасига бўлган эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

ердан фойдаланувчиларнинг тижорат банклари ва солиқдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома;

ердан фойдаланувчилар солиқ хавфининг ўрта ва юқори даражасига киритилмаганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатларининг ердан фойдаланувчиларга мулк ҳуқуқи асосида тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжат.

Ердан фойдаланувчилардан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

5. Ишчи орган ердан фойдаланувчиларнинг аризасига асосан 2022 йил 1 августга қадар ердан фойдаланувчиларнинг номи, манзили, пахта майдони тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган рўйхатни шакллантиради ва тасдиқлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликларига тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2022 йил 5 августга қадар ердан фойдаланувчилар рўйхатини тасдиқлайди.

6. Рўйхат қуйидаги мезонларга асосан шакллантирилади:

ердан фойдаланувчиларнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги;

ердан фойдаланувчиларнинг субсидия ажратиладиган пахта майдони 2022-2023 йилларда пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун субсидия ажратиш тажрибаси ўтказиладиган туманлар рўйхатига киритилган туманда жойлашганлиги;

ердан фойдаланувчилар билан тузилган ер ижара шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги;

ердан фойдаланувчиларнинг тижорат банклари ва солиқдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

ердан фойдаланувчилар солиқ хавфининг ўрта ва юқори даражасига киритилмаганлиги;

ердан фойдаланувчилар пахта майдонига ишлов бериш учун тегишли қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатларига эгалиги. Бунда ердан

фойдаланувчилар қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатларига мулк ҳуқуқи мавжуд бўлганда, мазкур мезонга мувофиқ деб топилади.

Ердан фойдаланувчиларнинг мазкур бандда белгиланган мезонларнинг камида биттасига мувофиқ келмаслиги рўйхатга киритишни рад этиш учун асос бўлади.

Ердан фойдаланувчиларни ушбу бандда назарда тутилмаган асосларга кўра рўйхатга киритишни рад этишга йўл қўйилмайди.

7. Ишчи орган 2022 йил 10 августга қадар “Агросубсидия” АТ орқали:

ердан фойдаланувчиларни уларнинг рўйхатга киритилганлиги ёки рўйхатга киритиш рад этилганлиги тўғрисида хабардор қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган рўйхатни Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади.

Рўйхатга киритиш рад этилганда, ердан фойдаланувчилар юқори турувчи органга ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

8. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун субсидия ажратиш (кейинги ўринларда – субсидия ажратиш) ҳақидаги рўйхатни тўғри шакллантириш ҳамда ундаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги юзасидан жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига ҳамда ишчи органга юкланади.

3-боб. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича амалга ошириладиган агротехник тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби

9. Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти рўйхатни олгандан сўнг уч иш кунида пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича амалга ошириладиган агротехник тадбирлар режасини (кейинги ўринларда – тадбирлар режаси) ишлаб чиқиш учун рўйхатга киритилган ердан фойдаланувчиларнинг пахта майдонларидаги тупроқ ҳолати тўғрисидаги мавжуд маълумотлар базасига асосан пахта майдонлари тупроғининг ҳолати ҳақида хулоса тайёрлайди ҳамда уни ердан фойдаланувчига ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигига “Агросубсидия” АТ орқали тақдим этади.

Рўйхатга киритилган ердан фойдаланувчиларнинг пахта майдонларидаги тупроқ ҳолати ҳақидаги хулосада тупроқнинг балл бонитети, шўрланиш даражаси, фосфор, калий ва гумус миқдори тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

10. Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти билан биргаликда жойига чиққан ҳолда ўрганиш натижалари ва тупроқ ҳолати ҳақидаги хулосага асосан тадбирлар режасини ишлаб чиқади. Тадбирлар режасида:

а) Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти томонидан:
шудгор қилиш ва ерларни текислаш;
тупроқ эрозиясига қарши курашиш;
гумус миқдорини ошириш;
минерал ва органик ўғитлардан фойдаланиш;
шўрланган ерларда мелиорация ишларини амалга ошириш бўйича агротехник тадбирлар белгиланади.

б) Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти томонидан:

ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос ғўза навларини танлаш;
илмий асосланган агротехник тадбирларни қўллаш;
алмашлаб (навбатлаб) экиш, оралик ва сидерат экинлардан фойдаланиш;
минерал ўғитлар билан озиклантириш, стимуляторлар ва бошқа микроэлементлардан фойдаланиш бўйича агротехник тадбирлар белгиланади.

11. Тадбирлар режаси Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ва ердан фойдаланувчилар томонидан тасдиқланади.

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти тасдиқланган тадбирлар режасини “Агросубсидия” АТ орқали Қишлоқ хўжалиги вазирлигига 2022 йил 25 августга қадар тақдим этади.

4-боб. Субсидия ажратиш бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби

12. Рўйхатга киритилган ердан фойдаланувчи 2022 йил 5 сентябрга қадар “Агросубсидия” АТ орқали субсидия ажратиш бўйича ариза билан Қишлоқ хўжалиги вазирлигига мурожаат қилади.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тақдим этилган аризага асосан қуйидаги маълумотларни мустақил равишда “Агросубсидия” АТ орқали олади:

ердан фойдаланувчиларнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси;

ердан фойдаланувчиларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

ердан фойдаланувчиларнинг тижорат банклари ва солиқдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома;

ердан фойдаланувчилар солиқ хавфининг ўрта ва юқори даражасига киритилмаганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатларининг ердан фойдаланувчиларга мулк ҳуқуқи асосида тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжат;

пахта майдонларидаги тупроқ ҳолати ҳақида хулоса;

пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича амалга ошириладиган агротехник тадбирлар режаси.

14. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги рўйхат ва тақдим этилган ҳужжатларни умумлаштиради ҳамда уларни 2022 йил 20 сентябрга қадар Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасига тақдим этади.

5-боб. Ердан фойдаланувчиларга субсидиялар ажратиш тартиби

15. Молия вазирлиги рўйхатга мувофиқ Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиянинг дастлабки 70 фоизини 2022 йил 1 октябрга қадар қуйидаги тақсимотга кўра ташкилотларнинг ҳисобварақларига ўтказиб беради:

60 фоизини – ердан фойдаланувчиларга;

6 фоизини – Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтига;

4 фоизини – Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтига.

16. Давлат статистика қўмитаси 2023 йил 25 ноябрга қадар ердан фойдаланувчиларнинг 2023 йилдаги пахта ҳосилдорлигини аввалги йил билан таққослаган ҳолда маълумот тайёрлайди ва Молия вазирлигига тақдим этади.

17. Молия вазирлиги Давлат статистика қўмитасининг маълумотига асосан пахта ҳосилдорлиги аввалги йилга нисбатан 15 фоиз ёки ундан кўп миқдорда ошганда, субсидиянинг қолган 30 фоизини 2023 йил 20 декабрга қадар ердан фойдаланувчиларнинг ҳисобварағига ўтказиб беради.

6-боб. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича амалга ошириладиган агротехник тадбирларни мониторинг қилиш тартиби

18. Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти:

ердан фойдаланувчилар томонидан ҳар бир агротехник тадбир ва бошқа вазифаларнинг тадбирлар режасида белгиланган муддатда ва сифатли амалга оширилишини мониторинг қилади;

мониторинг натижалари бўйича маълумотларни, пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни тайёрлайди ҳамда тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш учун ердан фойдаланувчиларга ва ишчи органга тақдим этади.

7-боб. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини оширганлик учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби

19. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини оширганлик учун солиқ имтиёзлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш, суғоришнинг янги технологияларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 25 мартдаги ПҚ–179-сон қарорида белгиланган тартибда ва миқдорда қўлланилади.

20. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигининг оширилганлиги ердан фойдаланувчиларнинг суғориладиган экин ери учун ўртача ҳисобланган балл бонитетини аввалги йилдаги балл бонитетига таққослаш орқали аниқланади.

21. Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти тупроқ бонитировкаси ишлари якунига мувофиқ 2023 йил 25 декабрга қадар Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бошқармасига ҳамда Давлат солиқ қўмитасига тупроқ балл бонитетини оширган ердан фойдаланувчиларга тупроқ унумдорлигини оширганлик учун солиқ имтиёзларини қўллаш мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулоса тақдим этади.

22. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини оширганлик учун ердан фойдаланувчиларга қуйидаги солиқ имтиёзлари қўлланилади:

ердан фойдаланувчилар учун ер участкаси тупроғининг балл бонитети амалдаги балл бонитетига нисбатан 3 баллгача ошган ҳолларда, ер солиғи ставкаси 25 фоизга, 3 балл ва ундан ошган ҳолларда эса 50 фоизга камайтиради;

ер солиғи бўйича имтиёзлар уч йил муддатга амал қилади.

23. Давлат солиқ қўмитаси Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институтининг хулосасига асосан ердан фойдаланувчиларга тупроқ унумдорлигини оширганлик учун уч йил мобайнида солиқ имтиёзларини қўллайди.

8-боб. Якунловчи қондалар

24. Давлат статистика қўмитасининг маълумотига асосан пахта ҳосилдорлиги аввалги йилга нисбатан 15 фоиздан кам бўлган тақдирда (форс-мажор ҳолатлар бундан мустасно), ажратилган субсидия ердан фойдаланувчилар томонидан 2023 йил якунига қадар Давлат бюджетига қайтарилади.

25. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун ажратилган субсидияни қайтаришда юзага келадиган келишмовчиликлар музокаралар ўтказиш орқали ҳал этилади.

Бунда келишмовчиликлар музокаралар ўтказиш орқали ҳал этилмаган тақдирда, низолар Молия вазирлигининг талабига асосан суд тартибида ҳал қилинади.

26. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун ажратилган субсидиядан мақсадли фойдаланиш Молия вазирлиги ҳузурида Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан назорат қилинади.

27. Ушбу Вақтинчалик низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга илова

Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун субсидия ажратиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
I. Ердан фойдаланувчиларнинг рўйхатини шакллантириш			
1-босқич	Ердан фойдаланувчилар	Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун субсидия олиш мақсадида ишчи органга мурожаат қилади.	2022 йил 25 июлга қадар
2-босқич	Ишчи орган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тегишли худудий бўлини маси)	1. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун субсидия ажратиш тўғрисидаги мурожаатларни ўрганиб чиқади. 2. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун субсидия ажратиш мумкин бўлган ердан фойдаланувчилар рўйхатини шакллантиради ва тасдиқлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига тақдим этди.	2022 йил 1 августга қадар
3-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун субсидия ажратиш мумкин бўлган ердан фойдаланувчилар рўйхатини тасдиқлайди.	2022 йил 5 августга қадар
4-босқич	Ишчи орган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тегишли худудий бўлини маси)	1. Ердан фойдаланувчиларни рўйхатга киритилганлиги ёки рўйхатга киритиш рад этилганлиги тўғрисида “Агросубсидия” АТ орқали хабардор қилади. 2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган рўйхатни Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтига тақдим этади.	2022 йил 10 августга қадар

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
II. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича амалга ошириладиган агротехник тадбирлар режасини ишлаб чиқиш			
1-босқич	Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти	Мавжуд маълумотлар базаси асосида ердан фойдаланувчиларнинг пахта майдонларидаги тупроқ ҳолати ҳақида хулоса тайёрлайди ҳамда уни ердан фойдаланувчилар ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади.	Рўйхат олингандан бошлаб 3 иш кунида
2-босқич	Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти	1. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича амалга ошириладиган агротехник тадбирлар режасини ишлаб чиқади. 2. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича амалга ошириладиган агротехник тадбирлар режасини тасдиқлайди ва тасдиқланган тадбирлар режасини Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади.	2022 йил 25 августга қадар
III. Субсидия ажратиш			
1-босқич	Ердан фойдаланувчилар	Субсидия ажратиш бўйича ариза билан “Агросубсидия” АТ орқали Қишлоқ хўжалиги вазирлигига мурожаат қилади.	2022 йил 5 сентябрга қадар
2-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Ердан фойдаланувчилар рўйхати ва тақдим этилган хужжатларни умумлаштиради ҳамда Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасига тақдим этади.	2022 йил 20 сентябрга қадар
3-босқич	Молия вазирлиги	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этилган рўйхатга мувофиқ белгиланган миқдордаги субсидиянинг 70 фоизини ердан фойдаланувчилар, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳамда Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти ҳисобварақларига ўтказиб беради.	2022 йил 1 октябрга қадар
4-босқич	Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти	1. Ҳар бир агротехник тадбир ва бошқа вазифаларнинг тадбирлар режасида белгиланган муддатда ва сифатли амалга оширилишини мониторинг қилади. 2. Мониторинг натижалари бўйича маълумотлар, пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича илмий асосланган таклифлар ва тавсиялар тайёрлайди ҳамда тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш учун ердан фойдаланувчиларга ва ишчи органга тақдим этади.	Тадбирлар режасида белгиланган муддатларда

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
5-босқич	Давлат статистика қўмитаси	Ердан фойдаланувчиларнинг 2023 йилдаги пахта ҳосилдорлигини аввалги йил билан таққослаган ҳолда маълумот тайёрлайди ва Молия вазирлигига тақдим этади.	2023 йил 25 ноябрга қадар
6-босқич	Молия вазирлиги	Давлат статистика қўмитасининг маълумотига асосан пахта ҳосилдорлиги аввалги йилга нисбатан 15 фоиз ёки ундан кўп миқдорда ошганда, субсидиянинг қолган 30 фоизини ердан фойдаланувчиларнинг ҳисобварағига ўтказиб беради.	2023 йил 20 декабрга қадар
IV. Солиқ имтиёзларини қўллаш			
1-босқич	Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти	Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бошқармасига ҳамда Давлат солиқ қўмитасига тупроқ балл бонитетини оширган ердан фойдаланувчиларга тупроқ унумдорлигини оширганлик учун солиқ имтиёзларини қўллаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Давлат солиқ қўмитасига хулоса тақдим этади.	2023 йил 25 декабрга қадар
2-босқич	Давлат солиқ қўмитаси	Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтининг хулосасига асосан ердан фойдаланувчиларга ер солиғи бўйича имтиёзларни қўллайди.	3 йил мобайнида

**Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа тумани пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги
ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
I. Агротехник тадбирларни тупроқнинг унумдорлик ҳолати ва озиқа элементлари билан таъминланганлик даражасига боғлиқ ҳолда ўтказиш				
1	Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича амалга ошириладиган агротехник тадбирлар режасини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун мавжуд маълумотлар базаси асосида тупроқ ҳолати тўғрисида хулоса (<i>тупроқ балл бонитети, шўрланиши, фосфор, калий ва гумус миқдори тўғрисидаги маълумотлар</i>) тайёрлаш ва ердан фойдаланувчиларга тақдим этиш.	2022 йил август	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Эллиққалъа тумани ҳоқимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)
2	Эллиққалъа туманидаги пахта майдонларида кузги-қишки агротехник тадбирларни амалга ошириш: а) бегона ўт босган майдонларни 40-45 см чуқурликда ҳамда ўт босмаган ер майдонларини 30-35 см чуқурликда шудгорлаш; б) механик таркиби оғир, зичлашган ҳайдалма ости қатламига эга ерларни 60-80 см чуқурликда юмшатиш; в) барча пахта майдонларида лазерли текислаш ишларини амалга ошириш.	2023 йил апрель 2022 йил октябрь – ноябрь 2022 йил ноябрь - 2023 йил февраль	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Эллиққалъа тумани ҳоқимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий- тадқиқот институти (А.Равшанов), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)
3	Эллиққалъа туманидаги шўрланган ерларда мелиорация тадбирларини ўтказиш бўйича: а) тупроқларнинг механик таркиби ва шўрланиш	2022 йил	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Тупроқшунослик ва

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	даражасини ҳисобга олган ҳолда, шўр ювиш бўйича тавсиялар тайёрлаш ва етказиб бериш; б) пахта майдонларида сифатли шўр ювиш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш.	ноябрь 2022 йил декабрь	ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)
4	Элликқалъа туманидаги суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаларига мувофиқ қуйидаги меъёрлар бўйича шўр ювиш тадбирларини ўтказиш: а) ўрта даражада шўрланган 19 фоиз (1 821 га) майдоннинг ҳар бир гектарида: қумли, қумлоқли ва енгил қумлоқли ерларда икки маротаба – 2,5-4,0 минг м ³ сув; ўрта қумлоқли ерларда икки маротаба – 4,0-4,5 минг м ³ сув; оғир қумлоқли ва лойли ерларда уч маротаба – 4,5-5,5 минг м ³ сув билан шўр ювиш. б) кучсиз даражада шўрланган 36,6 фоиз (3 515 га) майдоннинг ҳар бир гектарида: қумли, қумлоқли ва енгил қумлоқли ерларда бир маротаба – 2,0-3,5 минг м ³ сув; ўрта қумлоқли ерларда бир марта 3,5-4,0 минг м ³ сув; оғир қумлоқли ва лойли ерларда икки маротаба – 4,0-5,0 минг м ³ сув билан шўр ювиш.	2023 йил февраль-март 2022 йил октябрь - декабрь 2022 йил октябрь-январь 2023 йил март-апрель 2022 йил октябрь-декабрь 2022 йил октябрь-декабрь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Сув хўжалиги вазирлиги (Р.Қаршиев), Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (А.Ўразкелдиев), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)
5	Элликқалъа туманидаги пахта майдонларида тарқалган тупроқларнинг гумус миқдорини ошириш бўйича: а) ерларни органик моддага бойитиш учун гўнг сақлаш, компост ва ноаънанавий ўғитларни тайёрлаш ва қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва ердан фойдаланувчиларга етказиб бериш; б) пахта майдонларида компост ва бошқа ноаънанавий ўғитларни тайёрлаш ва қўллаш бўйича амалий семинарлар	2022 йил октябрь 2022 йил ноябрь-	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)

Т/р	Чора-гадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	ташқил этиш; в) тавсиялар асосида компост ва ноанъанавий ўғитларни тайёрлаш ва қўллаш.	2023 йил апрель	ва ердан фойдаланувчилар	
6	Элликқалъа туманидаги пахта майдонларида тарқалган тупроқларнинг гумус билан таъминланганлик даражасига мувофиқ қуйидаги меъёрларда маҳаллий ўғит солиш ёки ерга органик моддалар киритиш ишларини бажариш: гумус билан кам таъминланган (гумус миқдори 1 фоизгача бўлган) 9 427,2 гектар майдоннинг ҳар бир гектарига 20 тоннадан; гумус билан ўртача таъминланган (гумус миқдори 2 фоизгача бўлган) 172,8 гектар майдоннинг ҳар бир гектарига 10 тоннадан маҳаллий ўғит киритиш. Туманда 2022 йил ҳосили учун пахта жойлаштирилган 9 600 гектар майдонга жами 190 минг тонна маҳаллий ёки ноанъанавий ўғитларни қўллаш талаб этилади.	2022 йил ноябрь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)
7	Элликқалъа туманидаги пахта майдонларида тарқалган тупроқларнинг агрохимёвий хоссалари бўйича: а) пахта майдонлари тупроқларининг агрохимёвий хоссалари асосида минерал ўғит қўллаш бўйича тавсиялар тайёрлаш ва етказиб бериш; б) пахта майдонларида минерал ўғитларни қўллаш бўйича амалий семинарлар ташқил этиш.	2023 йил апрель-май	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов), Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)
8	Элликқалъа туманидаги пахта майдонларини қуйидаги меъёрларда минерал ўғитлар билан озиклантириш ишларини бажариш (<i>ҳосилдорлик 35,1 ц/га</i>): а) ҳаракатчан фосфор билан: жуда кам таъминланган 84,3 фоиз (8 090 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,189 тонна; кам таъминланган 13,9 фоиз (1 338,4 га) майдоннинг	2022 йил ноябрь ойида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги,	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов),

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	<p>ҳар бир гектарига 0,147 тонна; ўртача таъминланган 0,1 фоиз (58,4 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,105 тонна; кўп таъминланган 1,2 фоиз (113,2 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,063 тонна фосфорли минерал ўғитларни солиш.</p> <p>Жами пахта экиладиган 9 600 гектар майдон учун соф ҳолда 1 739 тонна фосфорли минерал ўғитларни қўллаш талаб этилади;</p> <p>б) алмашинувчи калий билан: жуда кам таъминланган 67,5 фоиз (6 483 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,147 тонна; кам таъминланган 30,4 фоиз (2 917 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,105 тонна; ўртача таъминланган 0,9 фоиз (91 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,084 тонна; кўп таъминланган 1,1 фоиз (109 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,042 тонна калийли минерал ўғитлар солиш.</p> <p>Жами пахта экиладиган 9 600 гектар майдон учун соф ҳолда 1 272 тонна калийли минерал ўғитларни қўллаш талаб этилади.</p> <p>Туманда режалаштирилган пахта ҳосилини олиш учун соф ҳолда 210 кг/га дан (жами 2 016 тонна) азотли минерал ўғитларни қўллаш талаб этилади.</p>	<p>-70 фоизи, экиш билан бирга- 10 фоизи, гуллаш даврида- 20 фоизи</p> <p>2022 йил ноябрь ойида -50 фоизи</p> <p>шоналаш даврида- 50 фоизи</p>	<p>пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)</p>
9	<p>Элликқалъа туманида шамол йўналишига қарши куйидаги меъёрларда ихота дарахтзорларини (перпендикуляр ҳолда) барпо этиш:</p> <p>а) шамол тезлиги кучсиз (6 м/сек) ва ўртача (шамол тезлиги 6-12 м/сек) бўлган ҳудудларда 2 қатор; б) шамол тезлиги кучли (13-25 м/сек) бўлган ҳудудларда 4 қатор ихота дарахтларини жойлаштириш.</p>	<p>2023 йил март-апрель</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар ва ердан фойдаланувчилар	вазирлик ва идоралар
II. Туманнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, ғўза навларини илмий асосланган ҳолда жойлаштириш режасини тузиш ва уруғлик жамғариш ҳамда чигит экиш ишларини амалга ошириш				
10	<p>Элликқалъа туманининг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, ғўза навларини танлаш ва жойлаштириш ишларини амалга ошириш:</p> <p>а) “Бухоро-102” навидан 153,9 тонна, “Султон” навидан 183,6 тонна, бошқа янги ғўза навларидан 94,5 тонна сифатли уруғлик чигит тайёрлаш;</p> <p>б) “Бухоро-102” навини 3 420 гектар, “Султон” навини 4 080 гектар ва бошқа янги ғўза навларини 2 100 гектар гектар суғориладиган майдонга жойлаштириш.</p>	<p>2023 йил февраль-март</p> <p>2023 йил март-апрель</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>
11	<p>Мақбул муддатларда чигит экиш ишларини ташкил этиш:</p> <p>а) чигитга экиш олдида биостимуляторлар (Узгуми 0,7-0,8 л/т, Фитовак 200-300 мл/т, Биодукс 2-3 мл/т ва бошқа) билан ишлов бериш;</p> <p>б) танланган ғўза навларини экиш бўйича энг мақбул муддатларни белгилаш.</p>	<p>2023 йил апрель</p> <p>2023 йил апрель</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>
12	<p>Тавсиялар асосида ерни экишга тайёрлаш ва бегона ўтларга қарши курашиш тадбирларини ўтказиш:</p> <p>а) шўр ювилган майдонлар чигит экиш олдида чизелланиб, борона босилгандан сўнг оғир мола билан кўндалангига икки марта мола ўтказилади. Айрим далаларда ушбу агротехник тадбир 3-4 марта ва ҳатто ундан кўп ўтказилиши мумкин;</p> <p>б) чигит экиш билан ёки экишдан кейин бир паллали ва икки паллали бегона ўтларга қарши курашиш бўйича тупроқ юзасига гербицидлар (Стомп 1,5-2,0 л/га, Которан 1,0-1,2 кг/га ва бошқа) қўлланилади;</p> <p>в) чигит экиш билан бирга экиш чизиғидан 5-7 см</p>	<p>2023 йил март-апрель</p> <p>2023 йил март-апрель</p> <p>2023 йил</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	узоқликда, 12-15 см чуқурликда ҳар бир гектарга соф ҳолда 15-20 кг азотли ва 20-25 кг фосфорли минерал ўғитлар солинади.	март-апрель		
13	Элликқалъа туманида юқори ва сифатли пахта хомашёсини етиштириш бўйича семинарлар ташкил этиш: а) ғўза навларидан юқори ва сифатли пахта хомашёсини етиштириш агротехнологиялари бўйича илмий асосланган тавсиялар тайёрлаш ва етказиб бериш; б) ҳар бир пахтачилик ҳудудларида юқори ва сифатли пахта хомашёсини етиштириш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш.	2023 йил апрель-май 2023 йил июнь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)
III. Ғўза етиштиришда агротехник тадбирларни илмий асосланган тавсиялар асосида амалга ошириш				
14	“Султон” ва бошқа янги ғўза навларида 1-2 чинбарг пайдо бўлганда, уларнинг морфобиологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда унумдорлиги паст бўлган тупроқларда кўчат қалинлигини гектарига 110-120 минг тупгача, унумдорлиги ўртача бўлган ерларда гектарига 100-110 минг тупгача ва унумдорлиги юқори бўлган ерларда гектарига 90-100 минг тупгача кўчат қолдириш ва яганалаш.	2023 йил апрель-май	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)
15	Ғўза қатор ораларига ишлов беришнинг аҳамияти, ишлов бериш муддатлари, чуқурлиги, культивация ўтказишда ишчи органлар сони ва уларни ростлаш, бегона ўт босган майдонларда комплекс ишлов бериш тадбирларини сифатли ўтказиш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш.	2023 йил апрель-май	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)
16	Ғўза қатор ораларига биринчи ишлов бериш тадбирларини сифатли ўтказиш:		Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев),

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	<p>а) культиваторнинг четки ишчи органларини 6-8 см, иккинчи жуфт органларни 8-10 см ва учинчи жуфт органларни 10-12 см чуқурликка ростлаш ҳамда қатор ораси 60 см бўлганда 13-14 см ва қатор ораси 90 см бўлганда 15-16 см чуқурликда ишлов бериш;</p> <p>б) механик таркиби оғир, сув ўтказиш хусусияти паст, сув яхши шимилмайдиган ерларга қатор ораси 60 см бўлганда, ўртадаги ишчи органларини 15-16 см ва қатор ораси 90 см бўлганда 16-18 см чуқурликда ишлов бериш;</p> <p>в) қатор ораси 60 см бўлганда, ишлов бериш кенглигини 45-50 см ва қатор ораси 90 см бўлганда 75-80 см ораликда ростлаш.</p>	<p>2023 йил апрель-май</p> <p>2023 йил апрель-май</p> <p>2023 йил апрель-май</p>	<p>Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>
17	<p>Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш ишларини ташкил этиш:</p> <p>а) шўрланмаган ва кучсиз шўрланган 2 100 гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;</p> <p>б) томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган майдонларда гўзанинг ўсиш даврида сувга бўлган талабини инобатга олган ҳолда суғориш сони, муддати ва меъёрини тўғри қўллаш, суғориш сувларини 35-40% тежаш бўйича амалий тадбирларни белгилаш.</p>	<p>2023 йил май</p> <p>Ҳар йили суғориш мавсуми давомида</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги (Р.Қаршиев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (А.Ўраскелдиев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>
18	<p>Мақбул муддат ва меъёрларда гўзани озиклантириш тадбирларини амалга ошириш:</p> <p>а) гўзани шоналаш даврида биринчи озиклантириш учун ўсимликнинг 20-22 см ён томонига, 14-16 см чуқурликда, бир гектарга соф ҳолда 70-80 кг азотли (210-240 кг аммиакли селитра ёки 152-173 кг мочевина) ва 30-40 кг калийли (50-65 кг калий хлорид) минерал ўғитларни қўллаш;</p> <p>б) гуллаш даври бошида иккинчи озиклантириш учун</p>	<p>2023 йил май</p> <p>2023 йил</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	эгат ўргасига 14-16 см чуқурликда, бир гектарга соф ҳолда 110-100 кг азотли (330-300 кг аммиакли селитра) ва 40-50 кг фосфорли (85-100 кг аммофос ёки 220-275 кг оддий суперфосфат ёки 170-215 кг супрефос) минерал ўғитларни қўллаш.	июль		
19	<p>Ғўзани вегетация даврида барги орқали озиклантириш:</p> <p>а) 5-6 чинбарг ва шоналаш даврларида биостимуляторларни (Узгуми 0,3 л/га, Фитовак 300-400 мл/га, Биодукс 2-3 мл/га, Аминозол 0,5-1,0 л/га меъёрларда) қўллаш;</p> <p>б) гуллаш даврида биостимуляторларни (Узгуми 0,4 л/га, Фитовак 400 мл/га, Лебозол калий 450 2-3 л/га, Аминозол 1,0 л/га меъёрларда) қўллаш.</p>	<p>2023 йил июнь</p> <p>2023 йил июль</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>
20	<p>Нав муаллифи назорати остида сифатли уруғлик тайёрлаш тадбирларини амалга ошириш:</p> <p>а) районлашган, истиқболли ва янги ғўза навларининг уруғлик майдонларини навга хос бўлмаган ўсимликлардан тозалаш (браковка);</p> <p>б) уруғлик майдонларини апробация кўригидан ўтказиш ҳамда муаллифлик назоратини амалга ошириш.</p>	2023 йил август	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов), Уруғчиликни ривожлантириш маркази (Ш.Мамажонов)</p>
21	<p>Ғўзани чилпиш муддати ва усуллари, кимёвий чилпишда қўлланиладиган препаратлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва семинарлар ўтказиш.</p> <p>“Султон” ва бошқа янги ғўза навларининг хусусиятларига қараб:</p> <p>унумдор ерларда ғўзада 12-13 дона ҳосил шохи пайдо бўлганда;</p> <p>ўртача унумдор ерларда 11-12 дона ҳосил шохи пайдо бўлганда;</p> <p>унумдорлиги паст бўлган ерларда 10-11 дона ҳосил шохи пайдо бўлганда;</p>	2023 йил июль-август	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	кўшқатор усулда экилган ғўза майдонларида 9-10 дона ҳосил шохи пайдо бўлганда чилпиш тадбирини ўтказиш.			
22	<p>Элликқалъа туманининг тупроқ-иқлим шароити, сизот сувлари сатҳи ҳамда “Султон” ва бошқа янги ғўза навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, суғориш давомийлигини, унинг сонини, оралиғини ва технологиясини белгилаш:</p> <p>а) ғўзанинг гуллаш даврига қадар механик таркиби энгил тупроқли ерларда 600-700 м³ дан 10-12 соат давомида ҳамда ўрта ва оғир тупроқли ерларда 700-800 м³ дан 12-14 соат давомида;</p> <p>б) ғўзанинг гуллаш ва ҳосил тўплаш даврида механик таркиби энгил тупроқли ерларда 900-950 м³ дан 10-12 соат давомида ҳамда ўрта ва оғир тупроқли ерларда 950-1000 м³ дан 14-16 соат давомида;</p> <p>в) ғўзанинг пишиш даврида механик таркиби энгил тупроқли ерларда 650-750 м³ дан 8-10 соат давомида ҳамда ўрта ва оғир тупроқли ерларда 850-900 м³ дан 10-12 соат давомида суғориш.</p>	<p>2023 йил май-июнь</p> <p>2023 йил июнь-июль</p> <p>2023 йил август-сентябрь</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>
23	<p>Ўза дефолиацияси тадбирини амалга ошириш:</p> <p>а) ғўза дефолиациясининг муддати ва меъерини белгилаш, ишчи эритмаларни тайёрлаш, пуркагич агрегатларини сошлаш;</p> <p>б) кўсақлар 45-50 фоиз очилганда юмшоқ таъсир этувчи “Авгурон-экстра” дефолиантини ҳаво ҳарорати 22-25°С даража бўлганда 0,10-0,15 л/га меъерда ёки “Суяқ ХМД-с” дефолиантини 7,0-8,0 л/га меъерда қўллаш.</p>	<p>2023 йил сентябрь</p> <p>2023 йил сентябрь</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>
24	<p>Етиштирилган ҳосилни машиналар ёрдамида йиғиб-териб олиш учун пахта майдонларини тайёрлаш, терим машиналарини мавсумга шай ҳолатга келтириш ва теримни ташкил этиш.</p>	<p>2023 йил август-сентябрь</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари,</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
			Элликқалъа тумани ҳоқимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	тадқиқот институти (Д.Норчаев)

**Андижон вилояти Улуғнор тумани пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги
ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			махаллий ҳокимиятлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
I. Агротехник тадбирларни тупроқнинг унумдорлик ҳолати ва озиқа элементлари билан таъминланганлик даражасига боғлиқ ҳолда ўтказиш				
1	Пахта майдонларда тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича амалга ошириладиган агротехник тадбирлар режасини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун мавжуд маълумотлар базаси асосида тупроқ ҳолати тўғрисида хулоса (<i>тупроқ балл бонитети, шўрланиши, фосфор, калий ва гумус миқдори тўғрисидаги маълумотлар</i>) тайёрлаш ва ердан фойдаланувчиларга тақдим этиш.	2022 йил август	Андижон вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Улуғнор тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)
2	Улуғнор туманидаги пахта майдонларида кузги-қишки агротехник тадбирларни амалга ошириш: а) бегона ўт босган майдонларни 40-45 см чуқурликда ҳамда ўт босмаган ер майдонларини 30-35 см чуқурликда шудгорлаш; б) механик таркиби оғир, зичлашган ҳайдалма ости қатламига эга ерларни 80-100 см чуқурликда юмшатиш; в) пахта майдонларида босқичма-босқич (ҳар йили пахта майдонининг 25 фоизини) лазерли текислаш ишларини амалга ошириш.	2022 йил октябрь- ноябрь 2022 йил ноябрь 2022 йил ноябрь- 2023 йил февраль	Андижон вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Улуғнор тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)
3	Улуғнор туманидаги шўрланган ерларда мелиорация тадбирларини ўтказиш бўйича:		Андижон вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев),

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимиятлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	<p>а) тупроқларнинг механик таркиби ва шўрланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда шўр ювиш бўйича тавсиялар тайёрлаш ва етказиб бериш;</p> <p>б) пахта майдонларида сифатли шўр ювиш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш.</p>	<p>2022 йил ноябрь</p> <p>2022 йил декабрь</p>	<p>хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Улуғнор тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)</p>
4	<p>Улуғнор туманидаги суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаларига мувофиқ қуйидаги меъёрлар бўйича шўр ювиш тадбирларини ўтказиш:</p> <p>а) ўрта даражада шўрланган 37,3 фоиз (3183 га) майдоннинг ҳар бир гектарыда: қумли ва қумлоқли ерларда бир маротаба – 2,5-3,5 минг м³ сув; енгил қумлоқли ерларда бир маротаба – 3,5-4,0 минг м³ сув; ўрта қумлоқли ерларда икки маротаба – 4,0-4,5 минг м³ сув; оғир қумлоқли ва лойли ерларда уч маротаба – 4,5-5,5 минг м³ сув билан шўр ювиш.</p> <p>б) кучсиз даражада шўрланган 46,2 фоиз (3943 га) майдоннинг ҳар бир гектарыда: қумли, қумлоқли ва енгил қумлоқли ерларда бир маротаба – 2,5-3,5 минг м³ сув; оғир қумлоқли ва лойли ерларда бир ёки икки маротаба – 3,5-4,5 минг м³ сув билан шўр ювиш.</p>	<p>2023 йил март-апрель ноябрь-декабрь</p> <p>ноябрь-декабрь</p> <p>октябрь-январь</p> <p>2023 йил март-апрель октябрь-декабрь</p>	<p>Андижон вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Улуғнор тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги (Р.Қаршиев), Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (А.Ўразкелдиев), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)</p>
5	<p>Улуғнор туманидаги пахта майдонларида тарқалган тупроқларнинг гумус миқдорини ошириш бўйича:</p> <p>а) ерларни органик моддага бойитиш учун гўнг сақлаш, компост ва ноаънанавий ўғитларни тайёрлаш ва қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва ердан фойдаланувчиларга етказиб бериш;</p> <p>б) пахта майдонларида сидерат экинларни экиш</p>	<p>2022 йил октябрь</p> <p>2022 йил</p>	<p>Андижон вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Улуғнор тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)</p>

Т/р	Чора-гадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимиятлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
13	“Султон” ва “Бухоро-102” янги ғўза навларида 1-2 чинбарг пайдо бўлганда, уларнинг морфобиологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда унумдорлиги паст бўлган тупроқларда кўчат қалинлигини гектарига 130-140 минг тупгача, унумдорлиги ўртача бўлган ерларда гектарига 110-120 минг тупгача ва унумдорлиги юқори бўлган ерларда гектарига 90-100 минг тупгача кўчат қолдириш ва яганалаш.	2023 йил апрель- май	Сирдарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Сайхунобод тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)
14	Ғўза қатор ораларига ишлов беришнинг аҳамияти, ишлов бериш муддатлари, чуқурлиги, культивация ўтказишда ишчи органлар сони ва уларни ростлаш, бегона ўт босган майдонларда комплекс ишлов бериш тадбирларини сифатли ўтказиш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш.	2023 йил апрель-май	Сирдарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Сайхунобод тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)
15	Ғўза қатор ораларига биринчи ишлов бериш тадбирларини сифатли ўтказиш: а) культиваторнинг четки ишчи органларини 6-8 см, иккинчи жуфт органларни 8-10 см ва учинчи жуфт органларни 10-12 см чуқурликка ростлаш ҳамда қатор ораси 60 см бўлганда 13-14 см ва қатор ораси 90 см бўлганда 15-16 см чуқурликда ишлов бериш; б) механик таркиби оғир, сув ўтказиш хусусияти паст, сув яхши шимилмайдиган ерларга қатор ораси 60 см бўлганда, ўртадаги ишчи органларини 15-16 см ва қатор ораси 90 см бўлганда 16-18 см чуқурликда ишлов бериш; в) қатор ораси 60 см бўлганда, ишлов бериш кенглигини 45-50 см ва қатор ораси 90 см бўлганда 75-80 см ораликда ростлаш.	2023 йил апрель- май 2023 йил апрель- май 2023 йил апрель- май	Сирдарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Сайхунобод тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
16	<p>Сув тежайдиган суғориш технологияларини оқилона жорий этиш ишларини ташкил этиш:</p> <p>а) шўрланмаган ва кучсиз шўрланган 2 100 гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;</p> <p>б) томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган майдонларда ғўзанинг ўсиш даврида сувга бўлган талабини инобатга олган ҳолда суғориш сони, муддати ва меъёрини тўғри қўллаш, суғориш сувларини 35-40% тежаш бўйича амалий тадбирларни белгилаш.</p>	<p>2023 йил май</p> <p>ҳар йили суғориш мавсуми давонида</p>	<p>Сирдарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Сайхунобод тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги (Р.Қаршиев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (А.Ўраскелдиев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>
17	<p>Мақбул муддат ва меъёрларда ғўзани озиклантириш тадбирларини амалга ошириш:</p> <p>а) ғўзани шоналаш даврида биринчи озиклантириш учун ўсимликнинг 20-22 см ён томонига, 14-16 см чуқурликда, бир гектарга соф ҳолда 70-75 кг азотли (210-225 кг гектарига аммиакли селитра ёки 150-160 кг мочевина) ва 50 кг калийли (83 кг калий хлорид) ўғитларни қўллаш;</p> <p>б) гуллаш даври бошида иккинчи озиклантириш учун эгат ўртасига 14-16 см чуқурликда, бир гектарга соф ҳолда 70-75 кг азотли (210-225 кг аммиакли селитра) ва соф ҳолда 40-50 кг фосфор (аммофос 80-100 кг ёки оддий суперфосфат ёки 280-350 кг супрефос 170-215 кг) минерал ўғитларни қўллаш.</p>	<p>2023 йил май</p> <p>2023 йил июнь</p>	<p>Сирдарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Сайхунобод тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>
18	<p>Ќўзанинг вегетация даврида барги орқали озиклантириш:</p> <p>а) 5-6 чинбарг ва шоналаш даврида биостимуляторларни (Узгуми 0,3 л/га, ДАГ-1 0,3 л/га, Фитовак 300-400 мл/га, Биодукс 2-3 мл/га, Аминозол 0,5-1,0 л/га меъёрларда) қўллаш;</p> <p>б) гуллаш даврида биостимуляторни (Узгуми 0,4 л/га, ДАГ-1 0,5 л/га, Фитовак 400 мл/га, Лебозол калий 450 2-3 л/га, Аминозол 1,0 л/га меъёрларда) қўллаш.</p>	<p>2023 йил июнь</p> <p>2023 йил июль</p>	<p>Сирдарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Сайхунобод тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
19	<p>Нав муаллифи назорати остида сифатли уруғлик тайёрлаш тадбирларини амалга ошириш:</p> <p>а) районлашган, истикболли ва янги ғўза навларининг уруғлик майдонларини навга хос бўлмаган ўсимликлардан тозалаш (браковка);</p> <p>б) уруғлик майдонларини апробация кўригидан ўтказиш ҳамда муаллифлик назоратини амалга ошириш.</p>	2023 йил август	Сирдарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Сайхунобод тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов), Уруғчиликни ривожлантириш маркази (Ш.Мамажонов)
20	<p>Вўзани чилпиш муддати ва усуллари, кимёвий чилпишда қўлланиладиган препаратлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва семинарлар ўтказиш.</p> <p>“Султон” ва бошқа янги ғўза навларининг хусусиятларига қараб:</p> <p>унумдор ерларда ғўзада 12-13 дона ҳосил шохи пайдо бўлганда;</p> <p>ўртача унумдор ерларда 11-12 дона ҳосил шохи пайдо бўлганда;</p> <p>унумдорлиги паст бўлган ерларда 10-11 дона ҳосил шохи пайдо бўлганда;</p> <p>қўшқатор усулда экилган ғўза майдонларида 9-10 дона ҳосил шохи пайдо бўлганда чилпиш тадбирини ўтказиш.</p>	2023 йил август	Сирдарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Сайхунобод тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)
21	<p>Сайхунобод туманининг тупроқ-иқлим шароити, сизот суви сатҳи, “Султон” ва “Бухоро-102” ғўза навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб суғориш давомийлиги, унинг сони, оралиғи ва технологиясини белгилаш:</p> <p>а) ғўзанинг гуллаш даврига қадар механик таркиби енгил тупроқли ерларда 600-700 м³ дан 10-12 соат давомида ҳамда ўрта ва оғир тупроқли ерларда 700-800 м³дан 12-14 соат давомида;</p> <p>б) ғўзанинг гуллаш ва ҳосил тўплаш даврида механик таркиби енгил тупроқли ерларда 900-950 м³ дан 10-12 соат ва ўрта ва оғир тупроқли ерларда 950-1000 м³ дан</p>	<p>2023 йил май-июнь</p> <p>2023 йил июнь-июль</p>	Сирдарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Сайхунобод тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	14-16 соат давомида; в) ғўзанинг пишиш даврида механик таркиби енгил тупроқли ерларда 650-750 м ³ дан 8-10 давомида ҳамда ўрта ва оғир тупроқли ерларда 850-900 м ³ дан 10-12 соат давомида суғориш.	2023 йил август-сентябрь		
22	Вўза дефолиацияси тадбирини амалга ошириш: а) ғўза дефолиациясининг муддати ва меъерини белгилаш, ишчи эритмаларни тайёрлаш, пуркагич агрегатларини сошлаш; б) кўсаклар 45-50 фоиз очилганда юмшоқ таъсир этувчи “Авгурон-экстра” дефолиантини ҳаво ҳарорати 22-25°C даража бўлганда 0,10-0,15 л/га меъёрда ёки “Суюқ ХМД-с” дефолиантини 6,5-7,0 л/га меъёрда қўллаш.	2023 йил сентябрь 2023 йил сентябрь	Сирдарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Сайхунобод тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)
23	Етиштирилган ҳосилни машиналар ёрдамида йиғиб-териб олиш учун пахта майдонларини тайёрлаш, терим машиналарини мавсумга шай ҳолатга келтириш ва теримни ташкил этиш.	2023 йил август-сентябрь	Сирдарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Сайхунобод тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (Д.Норчаев)

**Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги
ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
I. Агротехник тадбирларни тупроқнинг унумдорлик ҳолати ва озика элементлари билан таъминланганлик даражасига боғлиқ ҳолда ўтказиш				
1	Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича бажариладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун мавжуд маълумотлар базаси асосида тупроқ ҳолати тўғрисида хулоса (<i>тупроқ балл бонитети, шўрланиши, фосфор, калий ва гумус миқдори тўғрисидаги маълумотлар</i>) тайёрлаш ва ердан фойдаланувчиларга тақдим этиш.	2022 йил август	Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари, Қуйичирчиқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)
2	Қуйичирчиқ туманидаги пахта майдонларида кузги-қишқи агротехник тадбирларни амалга ошириш: а) бегона ўт боған майдонларни 40-45 см чуқурликда ҳамда ўт босмаган ер майдонларини 30-35 см чуқурликда шудгорлаш; б) механик таркиби оғир, зичлашган ҳайдалма ости қатламга эга ерларни 60-70 см чуқурликда юмшатиш; в) барча пахта майдонларида лазерли текислаш ишларини амалга ошириш.	2022 йил октябрь- ноябрь 2022 йил ноябрь 2023 йил вегетация даврида	Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари, Қуйичирчиқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий- тадқиқот институти (А.Равшанов), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)
3	Қуйичирчиқ туманидаги пахта майдонларида тарқалган тупроқларнинг гумус миқдорини ошириш бўйича:		Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев),

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	<p>а) ерларни органик моддага бойитиш учун гўнг сақлаш, компост ва ноананавий ўғитларни тайёрлаш ва қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва ердан фойдаланувчиларга етказиб бериш;</p> <p>б) пахта экиладиган ер майдонларида компост ва бошқа ноананавий ўғитларни тайёрлаш ва қўллаш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш;</p> <p>в) тавсиялар асосида компост ва ноананавий ўғитларни тайёрлаш ва қўллаш.</p>	<p>2022 йил октябрь</p> <p>2022 йил ноябрь - 2023 йил март</p> <p>2022 йил ноябрь - 2023 йил март</p>	<p>масалалари бўйича биринчи ўринбосари, Қуйичирчиқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов))</p>
4	<p>Қуйичирчиқ тумандаги пахта майдонларида тарқалган тупроқларнинг гумус билан таъминланганлик даражасига мувофиқ қуйидаги меъёрда маҳаллий ўғит солиш ёки ерга органик моддалар киритиш ишларини бажариш:</p> <p>гумус билан кам таъминланган (гумус миқдори 1 фоизгача бўлган) 1 766 гектар майдоннинг ҳар бир гектарига 20 тоннадан;</p> <p>гумус билан ўртача таъминланган (гумус миқдори 2 фоизгача бўлган) 9 695 гектар майдоннинг ҳар бир гектарига 10 тоннадан маҳаллий ўғит киритиш.</p> <p>Туманда 2022 йил ҳосили учун пахта жойлаштирилган 11 461 гектар майдонга жами 132 минг тонна маҳаллий ёки ноананавий ўғитларни қўллаш талаб этилади.</p>	<p>2022 йил ноябрь</p>	<p>Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари, Қуйичирчиқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)</p>
5	<p>Қуйичирчиқ туманидаги пахта майдонларида тарқалган тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари бўйича:</p> <p>а) пахта майдонлари тупроқларининг агрокимёвий хоссалари асосида минерал ўғитларни қўллаш бўйича тавсиялар тайёрлаш ва етказиб бериш;</p>	<p>2023 йил апрель-май</p>	<p>Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари, Қуйичирчиқ тумани ҳокимлиги,</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	б) пахта майдонларида минерал ўғитларни қўллаш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш.		пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	
6	<p>Куйичирчиқ тумандаги пахта майдонларини куйидаги меъёрларда минерал ўғитлар билан озиклантириш ишларини бажариш (<i>ҳосилдорлик 45,0 ц/га</i>):</p> <p>а) ҳаракатчан фосфор билан: жуда кам таъминланган 41 фоиз (4 700 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,243 тонна; кам таъминланган 43,7 фоиз (5 006 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,189 тонна; ўртача таъминланган 9,6 фоиз (1 102 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,135 тонна; кўп таъминланган 5,7 фоиз (654 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,081 тонна фосфорли минерал ўғитлар солиш.</p> <p>Жами пахта экиладиган 11461 гектар майдон учун соф ҳолда 2 290 тонна фосфорли минерал ўғитларни қўллаш талаб этилади;</p> <p>б) алмашинувчи калий билан: жуда кам таъминланган 0,5 фоиз (57 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,189 тонна; кам таъминланган 80 фоиз (9 169 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,135 тонна; ўртача таъминланган 19 фоиз (2 178 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,108 тонна; кўп таъминланган 0,5 фоиз (57 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,054 тонна калийли минерал ўғитлар солиш.</p> <p>Жами пахта экиладиган 11 461 гектар майдон учун соф ҳолда 1 487 тонна калийли минерал ўғитларни қўллаш талаб этилади.</p>	<p>2022 йил ноябрь ойида – 70 фоиз, экиш билан бирга – 10 фоиз, гуллаш даврида – 20 фоиз</p> <p>2022 йил ноябрь ойида – 50 фоиз, шоналаш даврида – 50 фоиз</p>	<p>Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари, Куйичирчиқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	Туманда режалаштирилган пахта ҳосилини олиш учун соф ҳолда 270 кг/га дан (жами 3 094 тонна) азотли минерал ўғитларни қўллаш талаб этилади.			
II. Туманнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, ғўза навларини илмий асосланган ҳолда жойлаштириш режасини тузиш ва уруғлик жамғариш ҳамда чигит экиш ишларини амалга ошириш				
7	<p>Куйичирчиқ тумани тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, ғўза навларини танлаш ва жойлаштириш ишларини амалга ошириш:</p> <p>а) “Султон” навидан 48,4 тонна, “Порлоқ-4” навидан 205,8 тонна, “Бухоро-102” навидан 10,3 тонна ва бошқа бошқа янги ғўза навларидан 79,3 тонна сифатли уруғлик чигит тайёрлаш;</p> <p>б) “Султон” навини 1 613 гектар, “Порлоқ-4” нави 6 861 гектар, “Бухоро-102” навини 344 гектар ва бошқа янги навларни 2 643 гектар суғориладиган майдонларга жойлаштириш.</p>	<p>2023 йил февраль-март</p> <p>2023 йил март-апрель</p>	<p>Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари,</p> <p>Куйичирчиқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев),</p> <p>Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>
8	<p>Мақбул муддатларда чигит экиш ишларини ташкил этиш:</p> <p>а) чигитга экиш олдидан биостимуляторлар (Биодукс 2-3 мл/т, Узгуми 0,7-0,8 л/т, Тандем 0,3-0,4 л/т ва бошқа) билан ишлов бериш;</p> <p>б) танланган ғўза навларини экиш бўйича мақбул муддатларини белгилаш.</p>	<p>2023 йил апрель</p> <p>2023 йил апрель</p>	<p>Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари,</p> <p>Куйичирчиқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев),</p> <p>Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>
9	<p>Тавсиялар асосида ерни экишга тайёрлаш ва бегона ўтларга қарши курашиш тадбирларини ўтказиш:</p> <p>а) эрта баҳорги бороналаш тадбири ернинг 8-10 см қатламидаги тупроқнинг етилиши билан ўтказилади;</p> <p>б) чигит экиш билан ёки экишдан кейин бир паллали ва икки паллали бегона ўтларга қарши курашиш бўйича тупроқ юзасига гербицидлар (Стомп 1,5-2,0 л/га, Которан 1,0-1,2 кг/га ва бошқа) қўлланилади;</p> <p>в) чигит экиш билан бирга экиш чизиғидан 5-7 см узоқликда, 12-15 см чуқурликка ҳар бир гектарга</p>	<p>2023 йил март-апрель</p> <p>2023 йил март-апрель</p> <p>2023 йил март-апрель</p>	<p>Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари,</p> <p>Куйичирчиқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев),</p> <p>Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	соф ҳолда 15-20 кг азотли ва 20-25 кг фосфорли ўғитлар солинади.			
10	<p>Куйичирчиқ туманида юқори ва сифатли пахта хомашёсини етиштириш бўйича семинарлар ташкил этиш:</p> <p>а) ғўза навларидан юқори ва сифатли пахта хомашёсини етиштириш агротехнологиялари бўйича илмий асосланган тавсиялар тайёрлаш ва етказиб бериш;</p> <p>б) ҳар бир пахтачилик худудларида юқори ва сифатли пахта хомашёсини етиштириш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш.</p>	<p>2023 йил апрель-май</p> <p>2023 йил июнь</p>	<p>Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари,</p> <p>Куйичирчиқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев),</p> <p>Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>
III. Ғўза етиштиришда агротехник тадбирларни илмий асосланган тавсиялар асосида амалга ошириш				
11	<p>“Султон”, “Порлоқ-4” ва “Бухоро-102” ғўза навларида 1-2 чинбарг пайдо бўлганда, уларнинг морфобиологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда унимдорлиги паст бўлган ерларда кўчат қалинлигини гектарига 100-110 минг тупгача, унимдорлиги ўртача бўлган ерларда гектарига 90-100 минг тупгача ва унимдорлиги юқори ерларда гектарига 80-90 минг тупгача кўчат қолдириш ва яганалаш.</p>	2023 йил апрель- май	<p>Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари,</p> <p>Куйичирчиқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев),</p> <p>Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>
12	<p>Ғўза қатор ораларига ишлов беришнинг аҳамияти, ишлов бериш муддатлари, чуқурлиги, культивация ўтказишда ишчи органлар сони ва уларни ростлаш, бегона ўт босган майдонларда комплекс ишлов бериш тадбирларини сифатли ўтказишни бўйича амалий семинарлар ташкил этиш.</p>	2023 йил апрель-май	<p>Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари,</p> <p>Куйичирчиқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев),</p> <p>Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>
13	<p>Ғўза қатор ораларига биринчи ишлов бериш тадбирларини сифатли ўтказиш:</p> <p>а) культиваторнинг четки ишчи органларини 6-8 см, иккинчи жуфт органларни 8-10 см ва учинчи жуфт органларни 10-12 см чуқурликка ростлаш ҳамда</p>	2023 йил апрель-май	<p>Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари,</p> <p>Куйичирчиқ тумани ҳокимлиги,</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев),</p> <p>Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	<p>тўғрилаш ҳамда қатор ораси 60 см бўлганда 13-14 см ва қатор ораси 90 см бўлганда 15-16 см чуқурликда ишлов бериш;</p> <p>б) механик таркиби оғир, сув ўтказиш хусусияти паст, сув яхши шимилмайдиган ерларга қатор ораси 60 см бўлганда, ўртадаги ишчи органларини 15-16 см ва қатор ораси 90 см бўлганда 16-18 см чуқурликда ишлов бериш;</p> <p>в) қатор ораси 60 см бўлганда, ишлов бериш кенглигини 45-50 см ва қатор ораси 90 см бўлганда 75-80 см ораликда ростлаш.</p>		пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	тадқиқот институти (А.Равшанов)
14	<p>Сув тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш ишларини ташкил этиш:</p> <p>а) шўрланмаган ва кучсиз шўрланган 3 000 гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;</p> <p>б) томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган майдонларда ғўзани ўсув даврида сувга бўлган талабини инобатга олган ҳолда суғориш сони, муддати ва меъёрини тўғри белгилаш, суғориш сувларини 35-40% тежаш бўйича амалий тадбирларни белгилаш.</p>	<p>2023 йил май</p> <p>ҳар йили суғориш мавсуми давомида</p>	<p>Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари,</p> <p>Қуйичирчиқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги (Р.Қаршиев),</p> <p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев),</p> <p>Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (А.Ўраскелдиев),</p> <p>Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>
15	<p>Мақбул муддат ва меъёрларда ғўзани озиклантириш тадбирини амалга ошириш:</p> <p>а) ғўза 2-3 чинбарг чиқарганда биринчи озиклантириш учун ҳар гектарга соф ҳолда 50 кг азотли (аммиакли селитра 150 кг/га ёки мочевина 110 кг/га ёки аммоний сульфат 240 кг/га) минерал ўғитларни қўллаш;</p> <p>б) ғўзани шоналаш даврида иккинчи озиклантириш учун ўсимликнинг 20-22 см ён томонига, 14-16 см чуқурликда ҳар гектарга соф ҳолда 70-75 кг азотли (210-225 кг аммиакли селитра ёки 150-160 кг мочевина)</p>	<p>2023 йил май</p> <p>2023 йил июнь</p>	<p>Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари,</p> <p>Қуйичирчиқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев),</p> <p>Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	<p>ва 50 кг калийли (83 кг калий хлорид) минерал ўғитларни қўллаш;</p> <p>в) гуллаш даври бошида учинчи озиклантириш учун эгат ўртасига 14-16 см чуқурликда, бир гектарга соф ҳолда 70-75 кг азотли (аммиакли селитра 210-225 кг) ва 40-50 кг соф ҳолда фосфорли (аммофос 80-100 кг ёки оддий суперфосфат 280-350 кг ёки супрефос 170-215 кг) минерал ўғитларни қўллаш.</p>	2023 йил июнь		
16	<p>Ўзанинг вегетация даврида барги орқали озиклантириш:</p> <p>а) 5-6 чинбарг ва шоналаш даврида биостимуляторлар (Биодукс 2-3 мл/га, Узгуми 0,3 л/га, Аминозол 0,5-1,0 л/га, Тандем 0,4 л/га меъёрларда) қўллаш;</p> <p>б) гуллаш даврида биостимуляторлар (Узгуми 0,4 л/га, Фитовак 400 мл/га, Лебозол калий 450 2-3 л/га, Аминозол 1,0 л/га, Тандем 0,5 л/га меъёрларда) қўллаш.</p>	2023 йил июнь 2023 йил июль	<p>Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари, Қуйичирчиқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>
17	<p>Нав муаллифи назорати остида сифатли уруғлик тайёрлаш тадбирларини амалга ошириш:</p> <p>а) районлашган, истиқболли ва янги ғўза навларинг уруғлик майдонларини навга хос бўлмаган ўсимликлардан тозалаш (браковка);</p> <p>б) уруғлик майдонларни апробация кўригидан ўтказиш ҳамда муаллифлик назоратини амалга ошириш.</p>	2023 йил август	<p>Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари, Қуйичирчиқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов), Уруғчиликни ривожлантириш маркази (Ш.Мамажонов)</p>
18	<p>Ўзани чилпиш муддати ва усуллари, кимёвий чилпишда қўлланиладиган препаратлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва семинарлар ўтказиш. “Султон”, “Порлок-4” ва “Бухоро-102” ғўза навларининг хусусиятларига қараб:</p>	2023 йил август	<p>Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари, Қуйичирчиқ тумани ҳокимлиги,</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	<p>унумдор ерларда ғўзада 12-13 дона ҳосил шохи пайдо бўлганда;</p> <p>ўртача унумдор ерларда 11-12 дона ҳосил шохи пайдо бўлганда;</p> <p>унумдорлиги паст бўлган ерларда 10-11 дона ҳосил шохи пайдо бўлганда;</p> <p>кўшқатор усулда экилган ғўза майдонларида 9-10 дона ҳосил шохи пайдо бўлганда чилпиш тадбирини ўтказиш.</p>		пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	тадқиқот институти (А.Равшанов)
19	<p>Куйичирчиқ туманининг тупроқ-иклим шароити, сизот суви сатҳи ҳамда “Султон”, “Порлоқ-4”, “Бухоро-102” ва бошқа янги ғўза навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, суғориш давомийлиги, сони, оралиғи ва технологиясини белгилаш:</p> <p>а) ғўзанинг гуллаш даврига қадар механик таркиби энгил тупроқли ерларда 600-700 м³ дан 10-12 соат давомида ҳамда ўрта ва оғир тупроқли ерларда 700-800 м³ дан 12-14 соат давомида;</p> <p>б) ғўзанинг гуллаш ва ҳосил тўплаш даврида механик таркиби энгил тупроқли ерларда 900-950 м³ дан 10-12 соат давомида ҳамда ўрта ва оғир тупроқли ерларда 950-1050 м³ дан 14-16 соат давомида;</p> <p>в) ғўзанинг пишиш даврида механик таркиби энгил тупроқли ерларда 650-750 м³ дан 8-10 соат давомида ҳамда ўрта ва оғир тупроқли ерларда 850-900 м³ дан 10-12 соат давомида суғориш.</p>	<p>2023 йил май-июнь</p> <p>2023 йил июнь-июль</p> <p>2023 йил август-сентябрь</p>	<p>Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари,</p> <p>Куйичирчиқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев),</p> <p>Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>
20	<p>Ғўза дефолиацияси тадбирини амалга ошириш:</p> <p>а) ғўза дефолиацияси муддати ва меъёрларини белгилаш, ишчи эритмаларни тайёрлаш, пуркагич агрегатларни созлаш;</p> <p>б) кўсақлар 45-50 фоиз очилганда юмшоқ таъсир этувчи Августон-экстра дефолиантини ҳаво ҳарорати</p>	<p>2023 йил сентябрь</p> <p>2023 йил сентябрь</p>	<p>Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари,</p> <p>Куйичирчиқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев),</p> <p>Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов)</p>

Т/р	Чора-гадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	22-25 °С даража бўлганда 0,10-0,15 л/га, ёки “Суюқ ХМД-с” дефолиантини 6,5-7,0 л/га меъёрда қўллаш.			
21	Етиштирилган ҳосилни машиналар ёрдамида йиғиб-териб олиш учун пахта майдонларини тайёрлаш, терим машиналарини мавсумга шай ҳолатга келтириш ва теримни ташкил этиш.	2023 йил август-сентябрь	Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари, Куйичирчиқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (Д.Норчаев)

**Фарғона вилояти Бешариқ тумани пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги
ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимиятлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
I. Тупроқнинг унумдорлик ҳолати ва озиқа элементлари билан таъминланганлик даражасига боғлиқ ҳолда агротехник тадбирларни ўтказиш				
1	Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича амалга ошириладиган агротехник тадбирлар режасини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун мавжуд маълумотлар базаси асосида тупроқ ҳолати тўғрисида хулоса (<i>тупроқ балл бонитети, шўрланиши, фосфор, калий ва гумус миқдори тўғрисидаги маълумотлар</i>) тайёрлаш ва ердан фойдаланувчиларга тақдим этиш.	2022 йил август	Фарғона вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Бешариқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)
2	Бешариқ туманидаги пахта майдонларида кузги-қишки агротехник тадбирларни амалга ошириш: а) бегона ўт босган майдонларни 40-45 см чуқурликда ҳамда ўт босмаган ер майдонларини 30-35 см чуқурликда шудгорлаш; б) шўр ювилган майдонларда тупроқнинг физик етилганлигини ҳисобга олиб, нам тўплаш (полларнинг марзасини текислаш, чизел қилиш, яъни юмшатиш, бороналаш ва мола босиш) ва экишга тайёрлаш тадбирларини амалга ошириш.	2022 йил октябрь- ноябрь, 2023 йил март-апрель	Фарғона вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Бешариқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)
3	Бешариқ туманидаги шўрланган ерларда мелиорация тадбирларини ўтказиш бўйича:		Фарғона вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари,	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев),

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимиятлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	<p>а) тупроқларнинг механик таркиби ва шўрланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда, шўр ювиш бўйича тавсиялар тайёрлаш ва етказиб бериш;</p> <p>б) пахта майдонларида сифатли шўр ювиш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш.</p>	<p>2022 йил ноябрь</p> <p>2022 йил декабрь</p>	Бешариқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)
4	<p>Бешариқ туманидаги суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаларига мувофиқ куйидаги меъёрлар бўйича шўр ювиш тадбирини ўтказиш:</p> <p>а) ўрта даражада шўрланган 13,4 фоиз (1 071 га) майдоннинг ҳар бир гектарида:</p> <p>қумли ва қумлоқли ерларда бир маротаба – 2,5-3,5 минг м³ сув;</p> <p>енгил қумлоқли ерларда бир маротаба – 3,5-4,0 минг м³ сув;</p> <p>ўрта қумлоқли ерларда икки маротаба – 4,0-4,5 минг м³ сув;</p> <p>оғир қумлоқли ерларда уч маротаба – 4,5-5,0 минг м³ сув билан шўр ювиш;</p> <p>б) кучсиз даражада шўрланган 35,3 фоиз (2 842 га) майдоннинг ҳар бир гектарида:</p> <p>қумли, қумлоқли ва енгил қумлоқли ерларда бир маротаба – 2,0-3,0 минг м³ сув;</p> <p>ўрта, оғир қумлоқли ва лойли ерларда бир-икки маротаба – 4,0-5,0 минг м³ сув билан шўр ювиш.</p>	<p>2023 йил февраль-март</p> <p>2022 йил октябрь - декабрь</p> <p>2022 йил октябрь-январь</p> <p>2023 йил март-апрель</p> <p>2022 йил октябрь-декабрь</p> <p>2022 йил октябрь-декабрь</p>	Фарғона вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Бешариқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Сув хўжалиги вазирлиги (Р.Қаршиев), Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (А.Ўразкелдиев), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)
5	<p>Бешариқ туманидаги пахта майдонларида тарқалган тупроқларнинг гумус миқдорини ошириш бўйича:</p> <p>а) тупроқларни органик моддага бойитиш учун гўн сақлаш, компост ва ноаънавий ўғитларни тайёрлаш ва қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва ердан фойдаланувчиларга етказиб бериш;</p>	<p>2022 йил октябрь</p> <p>2022 йил ноябрь</p>	Фарғона вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Бешариқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимиятлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	<p>б) пахта майдонларида компост ва бошқа ноаънавий ўғитларни тайёрлаш ва қўллаш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш;</p> <p>в) тавсиялар асосида компост ва ноаънавий ўғитларни тайёрлаш ва қўллаш.</p>	2023 йил апрель		
6	<p>Бешариқ туманидаги пахта майдонларида тарқалган тупроқларнинг гумус билан таъминланганлик даражасига мувофиқ куйидаги меъёрларда маҳаллий ўғит солиш ёки ерга органик моддалар киритиш ишларини бажариш:</p> <p>гумус билан кам таъминланган (гумус миқдори 1 фоизгача бўлган) 3 778 гектар майдоннинг ҳар бир гектарига 20 тоннадан;</p> <p>гумус билан ўртача таъминланган (гумус миқдори 2 фоизгача бўлган) 4 217 гектар майдоннинг ҳар бир гектарига 10 тоннадан маҳаллий ўғит киритиш.</p> <p>Туманда 2022 йил ҳосили учун пахта жойлаштирилган 7 995 гектар майдонга жами 118 минг тонна маҳаллий ёки ноаънавий ўғитларни қўллаш талаб этилади.</p>	2022 йил ноябрь	Фарғона вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Бешариқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)
7	<p>Бешариқ туманидаги пахта майдонларида тарқалган тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари бўйича:</p> <p>а) пахта майдонлари тупроқларининг агрокимёвий хоссалари асосида минерал ўғит қўллаш бўйича тавсиялар тайёрлаш ва етказиб бериш;</p> <p>б) пахта майдонларида минерал ўғитларни қўллаш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш.</p>	2023 йил апрель-май	Фарғона вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Бешариқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)
8	<p>Бешариқ туманидаги пахта майдонларини куйидаги меъёрларда минерал ўғитлар билан озиклантириш ишларини бажариш (<i>ҳосилдорлик 37,5 ц/га</i>):</p> <p>а) ҳаракатчан фосфор билан:</p> <p>жуда кам таъминланган 73 фоиз (5968 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,203 тонна;</p>	2022 йил ноябрь ойида	Фарғона вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Бешариқ тумани ҳокимлиги, пахта-тўқимачилик кластери ва ердан фойдаланувчилар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Тўраев), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (А.Равшанов),

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимиятлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	<p>кам таъминланган 22 фоиз (1748 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,158 тонна;</p> <p>ўртача таъминланган 5 фоиз (279 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,113 тонна фосфорли минерал ўғитларни солиш.</p> <p>Жами пахта экиладиган 7 995 гектар майдон учун соф ҳолда 1 515 тонна фосфорли минерал ўғитларни қўллаш талаб этилади;</p> <p>б) алмашинувчи калий билан:</p> <p>жуда кам таъминланган 15 фоиз (1188 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,158 тонна;</p> <p>кам таъминланган 70 фоиз (5616 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,113 тонна;</p> <p>ўртача таъминланган 10 фоиз (769 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,12 тонна;</p> <p>кўп таъминланган 5 фоиз (422 га) майдоннинг ҳар бир гектарига 0,090 тонна калийли минерал ўғитлар солиш.</p> <p>Жами пахта экиладиган 7 995 гектар майдон учун соф ҳолда 907 тонна калийли минерал ўғитларни қўллаш талаб этилади.</p> <p>Туманда режалаштирилган пахта ҳосилини олиш учун соф ҳолда 225 кг/га дан (жами 1 799 тонна) азотли минерал ўғитларни қўллаш талаб этилади.</p>	<p>–</p> <p>70 фоиз, 2023 йил экиш билан бирга –</p> <p>10 фоиз, 2023 йил гуллаш даврида –</p> <p>20 фоиз</p> <p>2022 йил ноябрь ойида</p> <p>–</p> <p>50 фоиз,</p> <p>2023 йил шоналаш даврида –</p> <p>50 фоиз</p>		<p>Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти (Ш.Бобомуродов)</p>
